*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ★ 4 февраль 1969 йил, сешанба ★ № 29 (14.192). ◆ Баҳоси 2 тийин.

# РЕСПУБЛИКА ИНДУСТРИЯСИНИНГ ҲАЁТИЙ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

3 февралда Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида республика партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги шароитларида саноатга партия раҳбарлигини амалга ошириш юзасидан КПСС XXIII съезди қарорларининг қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилди. Партия активи йиғилишига область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, саноат бўлими мудирлари, область ва шаҳар ижроия комитетларининг раислари ва раис ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, саноат корхоналарининг директорлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари таклиф қилинган эдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин йиғилишда доклад қилди.

Докладни муҳокама қилиш юзасидан музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский, Фарғона область партия комитетининг секретари В. Содиқов, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри Ф. Ҳўжаев, Андижон область партия комитетининг секретари Н. Раҳимов, Ўзбекистон ССР геология министри Х. Т. Тўлаганов, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Н. Хаитов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. П. Федоров, Бухоро область партия комитетининг секретари А. Абдураупов, Наманган область партия комитетининг иккинчи секретари В. П. Куксенко, Ўзбекистон металлургия заводининг прокатчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Нуриддинов, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри М. Иброҳимов, Ўзбекистондаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати партия комитетининг секретари А. А. Ифутин, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Муҳамедов, Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министри А. Абдурахмонов, Сирдарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари С. Расулов, Хоразм область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Курдин, Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министри А. Ҳўжаев қатнашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари республика саноат корхоналари, транспорт ва алоқа корхоналарининг коллективлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, 1968 йилда Ўзбекистон экономикасини янада юксалтиришда анчагина ютуқларга эришганликларини айтиб ўтдилар. Ҳозир республика индустриясининг юздан ортиқ тараққий топган ранг-баранг тармоғи бор. Ўзбекистон корхоналарининг маркаси билан чиқарилган маҳсулотлар жаҳондаги ўнлаб мамлакатларга, Совет Иттифоқидаги барча қардош республикаларга юборилмоқда. Қудратли машинасозлик, энергетика, химия, газ ва нефть, ёш олтин қазиб чиқариш саноати ва индустриянинг бошқа тармоқлари юксак сурьат билан ривож топмоқда.

Беш йилликнинг учинчи йили топшириғи 30 декабрда муддатидан илгари бажарилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми анча ўсди, меҳнат унумдорлиги ортди, маҳсулот таннархи камайди.

Хўжалик ислоҳотини амалга оширишда бир қанча ютуқларга эришилди. Тўрт юз элликдан ортиқ корхона янги шароитларда ишламоқда ва уларнинг иш якунлари планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш янги системасининг самарасини яққол кўрсатиб турибди.

Республика партия ташкилоти экономика масалаларига тобора кўпроқ эътибор бермоқда. Экономика масалалари пленумларда, партия хўжалик активларида, коммунистларнинг йиғилишларида тез-тез қараб чиқилмоқда. Ишлаб чиқаришда ишнинг аҳволи чуқурроқ таҳлил қилинадиган бўлиб қолди, резервлар тобора тўлароқ қидириб топилмоқда, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан ташкилий ва сиёсий ишлар яхшироқ йўлга қўйилмоқда.

Лекин қўлга киритилган ана шу ютуқларга қарамай, индустриянинг айрим тармоқларида ва республиканинг бир қанча саноат корхоналарида ҳали жиддий камчиликлар бор. Молларнинг сифати анча яхшиланиши керак. Ишлаб чиқариш қувватларидан ҳамма жойда ҳам тўла тўкис фойдаланилаётгир, деб бўлмайди. Ердамчи ишларни механизациялаш даражаси юқори эмас. Фан ва техника эришган энг сўнгги муваффақиятлардан кўпинча тўла фойдаланилмаётгир.

Айрим корхоналарда асосан энг ўнғай, юзаки резервлар ҳисобигагина иқтисодий ислоҳотнинг ижодий натижаларига эришилмоқда. Ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш, илғор иш методларини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширадиган чуқур резервлар кам қидириб топилмоқда ва улардан етарли фойдаланилмаётгир.

Ишлаб чиқариш жараёни мураккаблашган, техника тараққиёти зўр бериб ривожланаётган ҳозирги шароитда инсон меҳнатининг характери ҳам сифат жиҳатдан ўзгармоқда. Шунга биноан уни илмий ташкил этишга бўлган талаб ҳам ўзгармоқда. Лекин меҳнатни илмий ташкил қилиш ҳаракатига республика корхоналарининг бир қисмигина жалб қилинган.

Ўзбекистонда планлаштиришни такомиллаштириш соҳасида кўпгина ютуқларга эришилди. Лекин бу ишда ҳали ҳам баъзи бир камчиликлар бор.

Сўзга чиққан нотиқлар партия органлари кадрларга нисбатан талабчанликни оширишлари зарурлигини, ходимларни ростгўйлик, софдиллик, топширилган иш учун партия ва давлат олдида шахсий масъулиятни ҳис қилиш руҳида тарбиялашлари зарурлигини, уларга сиёсий ва иқтисодий билимларни эгаллашда тагин ҳам кўпроқ ёрдам беришлари, кишиларнинг тажрибасини ўрганишда яқиндан кўмаклашишлари зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Партия комитетлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқариш пешқадамлари ва новаторларининг, завод, фабрика, қурилиш коллективларининг, транспорт ва алоқа корхоналари коллективларининг ижодий ташаббусларини ҳамиша қўллаб-қувватлашдан, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун беш йиллик топшириқларини муддатдан илгари бажариш мақсадида социалистик мусобақани янада авж олдиришдан иборатдир.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон ССР саноат, транспорт ва алоқа коллективлари, ишчилари, инженер техник ходимлари ва хизматчиларининг 1969 йилги социалистик мажбуриятини қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоков, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. К. Зиёдуллаев, И. В. Марцинюк, М. З. Мирзаахмедов, А. Р. Ҳўжаев қатнашдилар. (ЎзТАГ).

## ЛЕНИНЧА меҳнат вахтасида

Тошкент областининг Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари чорва моллар туёғини кўпайтириш, зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш соҳасида тинмай иш олиб боряптилар. Колхоз чорвадорлари яқинда давлатга 768 тонна серқаймоқ сут етказиб бериб, йиллик планни ошиғи билан бажаришга эришдилар. Чорвадорлар барча имкониятларни ҳисобга олиб, бу йил давлатга камида 780 тонна сут етказиб беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Юқоридаги суратда: колхознинг илғор сут соғувчиси комсомол аъзоси Муҳаббат Тўлаганова. У, 1968 йилда ўзига бириктирилган ҳар бир сигирдан 3000 килограммдан сут соғиб олган эди. Унинг бу йилги аҳди эса бундан ҳам катта.

К. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ)



Ўрта Осиё табиий газ бўйича илмий тадқиқот институти мутахассислари қудуқларнинг ишини тадқиқ қилишга бағишланган кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бундай тадқиқот ишлари махсус установкаларда бажарилмоқда. Суратда: старший инженер М. Иноғомов ва старший техник С. Бунлеев ўртоқлар ишлаб чиқариш тадқиқотлари пайтида.

И. Глауберзон фотоси.



## Расмий хабарлар

### Н. В. ПОДГОРНИЙ ҲУЗУРИДА

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиуми ижроия комитетининг аъзоси, Миллий фронт Марказий Комитетининг Раиси З. Эрбан бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси Миллий фронтининг Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган делегацияси 3 февралда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ҳузурига Кремлга визит билан келди.

Учрашув пайтида Н. В. Подгорний, З. Эрбан ва делегация аъзолари суҳбатлашдилар, суҳбат самимий, ўртоқлик вазиятда ўтди.

* * *

ЧКП Марказий Комитети Президиуми ижроия комитетининг аъзоси, Миллий фронт Марказий Комитетининг Раиси З. Эрбан бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси Миллий фронтининг делегацияси 3 февралда В. И. Ленининг Кремлдаги ишхонаси ва квартирасини бориб кўрди. (ТАСС).

### ЧЕХОСЛОВАКИЯЛИК МЕҲМОНЛАР МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети секретари Яролим Гетеш бошлиқ Чехословакия Коммунистик партиясининг делегацияси Ўзбекистон билан танишиб бўлганидан кейин 3 февралда Москвага жўнаб кетди.

Чехословакиялик меҳмонлар уч кун мобайнида республика қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлиги тажрибаси билан қизиқдилар. Улар Самарқандда бўлиб, область партия комитетига бордилар ва Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов билан суҳбатлашдилар.

Чехословакиялик меҳмонлар қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтига борган вақтларида қорақўл қўйларини кўпайтириш практикаси билан қизиқдилар.

Делегация аъзоларини Тошкент аэровокзалида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов, масъул партия ходимлари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

# ЧИЛЛАДА СУВ КЕЧГАНЛАР

Бу йил қиш қишлигини қиляпти. Қалин қор ёғиб, қаттиқ совуқ бўляпти. Лекин деҳқонлар бекор ўтиришаётгани йўқ. Унинг зарур, кечиктириб бўлмайдиган юмушлари кўп. Ингим-теним кеч гуғалланиб, кузги ишлар қишга сурилди. Шуни ҳисобга олиб, ҳозирги кунларда ҳам одамлар далага гўнг чиқаряпти, музлаб қолган ерни қандай шудгорлаш тўғрисида ўйлаяпти. Экскаваторчилар эса ариқ-зовурларни тозалаш ғамида. Андижон областининг қайси хўжалигига борманг ана шундай ҳаракатни кўрасиз.

Қаҳратон қишда сувчиларнинг иши айниқса оғирроқ. Шундай бўлса ҳам улар киш чилласида ерларга ҳаёт бериш чораларини кўришяпти. Бўз районидаги деҳқонлар айниқса бу соҳада ибратли ишлар қилишяпти.

Райондаги пахта майдонларининг ҳаммаси ўта шўрланган ерлар. Бу майдонларда камида икки марта шўр ювилади. Шўр ювиладиган катта карталарда баланд пол оилимаса бўлмайди. Полда сув бир неча кун қўллаб туриши керак. Шунда туз эриб, пастки қатламга тушиб кетади.

— Бизда шўр ювиш деҳқончиликнинг бошланиши ҳисобланади. — дейди «Янги ҳаёт» колхозининг кекса пахтакори Дармонқул ота Файзуллаев, — халқ орасида «ернинг шўри — деҳқоннинг шўри», «шўр ювмабсан — иш қилмабсан», «ола яхоб — бало яхоб» деган гаплар бор. Бу бечиз эмас. Бир қарич ердаги шўр ювилмай қолса, ўша ерда уруғ қўкармайди. Шунинг учун биз шўр ювишга катта эътибор берамиз.

Бултур қишда «Мингбулоқ» совхозининг Ю. Абдуллаев раҳбарлик қилаётган биринчи бўлимида шўр ювиш бўйича тажриба ўтказилди. Бўлимдаги Мирзаакбар Мирзакаримов бошлиқ бригаданинг 10 гектарлик картаси кафтдек қилиб текисланди. Пол олинди. Полдар яна текисланди. Биринчи шўр ювишда ҳар гектар ерга 1800 кубометрдан сув қўйилди. Тупроқ чилла сувини эмиб бўлгач, иккинчи марта гектарига 1500 кубометрдан сув қамалди. Натижада ер шўрдан батамом тозаланди. Эрта баҳорда шу тажриба участкасига ҳар гектар ҳисобига 8 тоннадан компост, нормага мувофиқ минерал ўғит солинди. Ер етилиши билан 18-20 сантиметр чуқурликда чизелланиб, мола босилди. Сўнгра чигит экилди. Уруғ ернинг намига текис униб чиқди. Ҳар гектар майдонда ўртача 91 минг туп кўчат ўстирилди.

Тажриба участкасининг ёнидаги 10 гектарлик бошқа картада эса шўр ювиш одатдаги тартибда ўтказилди: Сув бир полдан иккинчи, учинчиларига ўтказилди. Бунда карта бошидаги полларнинг шўри яхши тозаланган бўлса ҳам ўзиридаги полларда чала қолди. Ерга чигит тушиб, кун қизигач, ювилмай қолган шўр бутун картага тарқалиб кетди. Оқибатда бу картада кўчат ола бўлди. Ҳар гектар ерда зўрга 60 минг туп кўчат ўстирилди. Натижада биринчи участкانинг ҳар гектаридан 31 центнердан хирмон кўтарилди. Ёки бир йилда ҳосилдорлик 11 центнер ошди.

Шўри яхши ювилмаган иккинчи участкадан эса 19,8 центнердан ҳосил олинди.

Энгельс номли. «Янги турмуш». Тельман номли колхозларнинг Эргашбой Исҳоқов, Деҳқонбой Турдиев, Мутал Маъмуров, Умихон Тўрақулова бошлиқ бригадалари ҳам ерни шўрдан яхши тозалаш ҳисобига ҳосилдорликни юқори кўтардилар. Бу бригадаларда ҳосил гектар бошига 30-35 центнерга етди.

— Бундан хулоса шуки, — дейди Бўз район партия комитетининг биринчи секретари Абдурашид Исмоилов, — ер шўрдан қанча яхши тозаланса ҳосилдорлик шунча ортади. Шунинг учун биз агротехниканинг бу муҳим тадбирини ўтказишга энг тажрибали деҳқонларни қўйдик. уларга ҳақ тўлашда меҳнатнинг оғир-енгиллиги ҳисобга олинади.

Районда 12,5 минг гектар ерда бир марта, 5 минг гектар ерда икки марта шўр ювилади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоб қилиб чиқишича. шўрни чала ювиш, кўчатнинг ола бўлиши ҳисобига бултур район бўйича 1559 гектар ернинг «умри» бекор ўтди. Агар бу майдондан ўртача 20 центнердан ҳосил олинганда. эл хирмонига қўшимча 3 минг тоннадан зиёд чўл пахтаси топширилди. Бу, пландагидан 3 минг тонна кўп. Район меҳнаткашлари беш йиллиқнинг тўртинчи йилида бўзликлар бунга йўл қўймаслик учун астойдил курашга отландилар. Шу мақсадда «Мингбулоқ» совхозида кўргазмали семинар ўтказилди. Семинарга барча колхоз раислари, совхоз директорлари, бригадирлар, сувчилар таклиф қилинди. Совхознинг ўта шўрланган яхлит карталари текисланди, пол, марза олинди. Ҳар икки полнинг ўртасидан ўқариқ тортилиб, ҳар бир полга алоҳида-алоҳида сув очилди. Сув бир полдан иккинчисига ўтказилмай қўллатилди. Бу тадбир ҳаммага маъқул тушди.

Ҳозир барча хўжаликларда шўр ювиш шу тартибда ўтказиляпти. Бу иш айниқса «Ўлуғнор» совхозида. Тельман номли, Садриддин Айний номли, «Янги турмуш» колхозларида яхши йўлга қўйилган. Биз куни кеча этик билан сув кечаётган ана шу марду майдонлар ҳузурида бўлдик. Уларнинг ғайрати, бардошига тан бердик.

Районда ариқ-зовурларни тозалаш ишлари ҳам тўхтагани йўқ. Баҳоргача юз минг кубометр сув шохобчаларни тозаланиши керак. Ҳозир бу ишда 1300-1500 киши ишлаб турибди. Ҳозиргача бир неча ўн минг кубометр ариқ-зовур тозаланди. Минглаб тонна компост, маҳаллий ўғит тўпланди.

Бўзликлар бултур пахта тайёрлаш планини Андижон областида биринчи бўлиб бажардилар. Ҳар гектар ердан 20.7 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 28 минг тоннадан зиёд чўл пахтаси топширилди. Бу, пландагидан 3 минг тонна кўп. Район меҳнаткашлари беш йиллиқнинг тўртинчи йилида давлат омборига 27300 тонна пахта тўкишга аҳд қилдилар. Шу кеча мундузларга ҳаракат ана шунга яраша бўляпти.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

## АСОСИЙ ВАЗИФА — ДОҲИЙНИНГ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкентда ўтказган республика семинарида партия ўқуви ва комсомол сиёсий маорифи системасида Ленининг назарий меросини ўрганишнинг асосий йўллари ва шакллари тўғрисида гаплашиб олинди. Орттирилган тажрибани сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг раҳбарлари, уларнинг методик кенгашлари раислари беш кун мобайнида умумлаштириб бердилар.

Учрашув қатнашчилари ўз фикрларини баҳам кўриб, семинарларда, суҳбатларда ва назарий конференцияларда Ленин асарларини коллектив бўлиб муҳокама қилиш шакллари ҳақида, Ленин асарларчнинг, қисқача мазмунини тузиб чиқиш, шу мавзуларда рисолалар ёзиш, Владимир Ильич асарларини ўрганиш вақтида амалий топшириқлар бериш. методларидан фойдаланиш тўғрисида гапирдилар. В. И. Ленин асарларини партия пропагандаси системасининг турли бўғинларида ўрганиш, комсомол сиёсий маорифи системасида «Ленин сабоқлари» программасига мувофиқ машғулотлар ўтказиш методлари диққат марказида бўлди.

Учрашув қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг ходимлари, Тошкент олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедраларининг олимлари сўзга чиқдилар. Уларнинг докладлари ва лекциялари республикадаги партия ўқувининг актуал вазифаларига бағишланди.

31 январда бўлиб ўтган якунловчи машғулотда КПСС Марказий Комитети пропаганда секторининг мудири М. П. Габдуллин «В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига тайёргарлик ва партия пропагандасининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди. (ЎзТАГ).

# ЮБИЛЕЙГА СОВҒАЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

● Янгидан ташкил этилган Оқдарё районидаги «Ўзбекистон» «КПСС XXII съезди», «Коммунист», Энгельс номли колхозлар ўтган йилнинг охирги ойларида фермалардаги гўштга топширилган молларни ажратиб, алоҳида боқишга қўйган эдилар. Иккинчи ярим ой давомида бу моллар яхши семирди, вазни анча ошди ва янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ гўштга топширила бошланди. Бу, районда гўшт тайёрлаш ярим йиллик планини Самарқанд областида биринчи бўлиб бажариш имконини берди. Давлатга тирик вазнда 2230 центнер гўшт сотилди. Топширилган молларнинг деярли ҳаммаси ўртадан юқори семизликка қабул қилинди. Ҳозир райондаги қатор колхозлар учинчи квартал ҳисобига гўшт топширмоқдалар.

● В. И. Ленин туғилган кунининг бир асрлик муборак юбилейини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб ишлаётган Наманган областидаги Уйчи районининг чорвадорлари зафар қучдилар. Давлатга гўшт сотиш биринчи квартал плани муваффақиятли адо этилди. Қабул пунктларига мўлжалдаги 163 тонна ўрнига 167 тонна аъло сифатли гўшт етказиб берилди.

Эришилган муваффақиятга йиллик планни бажариб қўйган «Кизил Ровот» совхози, ярим йиллик гўшт тайёрлаш мажбуриятини адо этган Охунбобоев номли, «Ленинград» колхозларининг чорвадорлари баракали ҳисса қўшдилар.

● Иштихон районидаги «Халқ обод» колхозининг чорвадорлари катта галабага эришдилар. Давлатга 880 центнер ўрнига 920 центнер гўшт сотилди ва йиллик плани ошириб бажарилди. Бўрдоқичилик яхши йўлга қўйилгани туфайли топширилган ҳар бир молнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 240 килограмм бўлиши таъминланди ва ўртадан юқори семизликка қабул қилинди.

# ПЛАНЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ШАРОИТЛАРИДА САНОАТГА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН КПСС XXIII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. АНИСИМКИН доклади*

Ўртоқлар! Беш йиллик бошланган пайтда совет халқи турмушида шонли воқеалар бўлиб ўтди. Советлар мамлакатининг ярим асрлик юбилейи ва Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини мислсиз жўш урдириб юборди. «Беш йилликни муддатидан олдин бажарамиз!» деган шиор остида бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида бу нарса ўз ифодасини топди.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпчилиги ҳар бир кунни қаттиқ ҳисобга олиб бормоқда, ўзининг илҳомбахш меҳнати билан вақтдан илгарилаб кетмоқда. Уларнинг кўплари беш йиллик топшириқларни анча илдам бажармоқда. Ҳатто бутун-бутун тармоқлар анчагина кунни тежаб қўйдилар. Масалан, Гўшт ва сут саноати министрлиги 44 кунни, химия саноати бошқармаси 20 кунни ҳозирдаёқ тежаб қўйди ва ҳоказо.

Республика саноати социалистик мажбуриятларни ва ишлаб чиқариш планларини муваффақиятли бажармоқда. 1968 йилнинг ўзида бир неча ўн миллион сўмлик қўшимча маҳсулот олинди.

Бу ерда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1965 йилга нисбатан 23,5 процент, меҳнат унумдорлиги эса 12,5 процент ошди. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида шундан олдинги уч йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўп капитал маблағ сарфланди.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг турмуш даражаси анча ошди. Шуни айтиш кифоя қиладики, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар 29 процент кўпайди. Ўч йил ичида умумий саҳни салкам 6,8 миллион квадратметр уйжой қурилди, бу эса ўтган беш йиллик шу даврдагидан қарийб 1,5 миллион квадратметр кўпдир.

Аввалги даврларда бўлгани каби шу йиллар мобайнида ҳам оғир саноат тармоқлари устун даражада илдам суръатлар билан ривожлантириб борилди. Электр станцияларда 1,1 миллион киловатт қувватли янги агрегатлар ишга туширилди. Фарғона азотли ўғитлар заводида ва Навоий химия комбинатида минерал ўғит ишлаб чиқарувчи энг кучли установкалар, яъни ўтган беш йилнинг дастлабки уч йилидагига қараганда деярли 2,5 баравар кўп установкалар ишга туширилди. Рангли металлургиянинг қувватлари анча кўпайтирилди. Янги ва ғоят истиқболли олтин қазиш тармоғи муваффақиятли вужудга келтирилмоқда: унинг тўнғич корхонаси «Кўчбулоқ» руда кони ишга туширилди. Бошқа кўпгина объектлар қурилмоқда.

Индустрия тез ривожланиб борганлиги саноат ишлаб чиқаришида жиддий структуравий ўзгаришлар бўлишига олиб келди. 1965 йилда оғир индустриянинг салмоғи 36 процентдан сал кўпроқ бўлган бўлса, 1968 йилга келиб унинг салмоғи 39 процентга етди. Бу факт республикамизни индустриалштириш жараёни давом эттирилаётганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга республикада «А» группаси билан «Б» группаси тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатлари бир-бирига яқинлаштириб борилмоқда.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси экономиканинг ҳамма бўғинларига тобора чуқур кириб бораётганлиги беш йиллик уч йилининг муҳим якуни ва шу билан бирга унинг ўзига хос хусусияти бўлди, деб ҳисобламоқ керак. 1968 йилнинг охирларига келиб, Ўзбекистонда 450 саноат корхонаси, яъни ҳамма корхоналарнинг учдан бир қисми, 104 та автомобиль хўжалиги, темир йўл транспорти ва граждан авиациясининг ҳамма ташкилотлари янги системага ўтказилган эди. Реализация қилинган жамики маҳсулотнинг умумий ҳажмида шу корхоналарнинг улуши 57 процентга етди. Уларнинг иш кўрсаткичлари эса узлуксиз яхшиланиб бормоқда.

Ўзбекистон саноатини ривожлантиришдаги ютуқлар шак-шубҳасиздир. Бинобарин, ана шу ютуқларга таяниб, биз беш йиллик топшириқлар муваффақиятли равишда бажарилади, деб тўла асос билан айта оламиз. Лекин ҳали анчагина ишлар қилиниши лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми КПСС Марказий Комитети 1968 йил октябрь Пленуми қарорлари асосида республика партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилиб, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтиришнинг катта программасини белгилаб берганлиги ўзларингизга маълум. Шу мақсадда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни асосан Олмалиқ аммофос заводи ҳисобига янада ривожлантириш кўзда тутилди. Умумхалқ қурилиши бўлиб қолган ана шу корхона йил охиригача қуриб битказилиши лозим.

Қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Масалан шу йилнинг ўзидаёқ бултургидан 3 минг дона кўп пахта териш машинаси ишлаб чиқарилади. «Ташавтомаш» заводида пахтачиликда ишлатиладиган тракторлар ишлаб чиқаришнинг тўла цикли ташкил этилади.

Пахта етиштириш янада кўпайиб бораётганлиги туфайли уни тозалаш саноатини жадал ривожлантириш зарурати ҳам туғилмоқда. Биз бутун пахта ҳосилини ўз вақтида қайта ишлашни таъминлаш билангина чекланиб қолмасдан уни областлар ўртасида бехуда ташиб юришга ҳам чек қўйишимиз керак.

Ўзбекистонда енгил саноатни ривожлантирмоқ учун жуда катта ҳом ашё ва меҳнат ресурслари бор. Шуни ҳисобга олиб, Иттифоқ ҳукумати республика таклифни қувватлаб ва 1969 — 1975 йилларда 46 та янги корхона қуриш ва ишлаб турган 12 та корхонани реконструкция қилишни кўзда тутувчи махсус қарор қабул қилди. Бу эса, кўпгина моллар ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтириш ва бу моллар билан аҳолини яхшироқ таъминлаш имконини беради.

Республика партия ташкилоти олдида катта ва масъулятли вазифалар турибди. Ана шу вазифаларни муваффақиятли бажармоқ учун босиб ўтилган йўлни танқидий назардан ўтказиш, хўжалик юритиш соҳасида орттирилган тажрибани анализ қилиб чиқиш керак, барча резервларимиз ва имкониятларимизни ишга солиш юзасидан қунт ва ғайрат билан ишлашимиз лозим.

## ЭНГ ЮКСАК САМАРАДОРЛИК ҚА ЭРИШИШ — СОЦИАЛИСТИК ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ПРИНЦИПИ

КПСС XXIII съезди партия, совет ва хўжалик органларининг алоҳида эътиборини бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш зарурлигига қаратди. Республика партия ташкилоти ана шу кўрсатмага амал қилиб, асосий ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошириш, фан-техника муваффақиятларини тезроқ жорий этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва шу сингари масалаларга доимо эътибор бериб келмоқда.

Бу иш ижобий самаралар бермоқда. Масалан, кўпгина корхоналардагина эмас, шу билан бирга бутун-бутун саноат тармоқларида ҳам фонддан олинаётган наф йил сайин кўпайиб бормоқда.

Шу билан бирга эътироф қилишимиз керакки, машинасозлик, енгил саноат, гўшт-сут саноати, мебель ва ёғочсозлик саноатининг бир қанча корхоналарида фонддан олинаётган наф камайиб кетмоқда.

Нормал эмаслиги очиқ-равшан кўриниб турган бундай аҳволнинг сабаби нима? Аввало мавжуд қувватлардан ёмон фойдаланилаётганлиги ва янги ишга туширилаётган қувватлар жуда сусткашлик билан ўзлаштирилаётганлиги бунга сабаб бўлмоқда. Масалан, енгил саноатда кейинги йиллар мобайнида кўпгина янги объектлар ишга туширилди. Шу тармоқларни ривожлантиришга ҳозирги беш йилликнинг ўзида 78 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ҳолбуки, айрим қувватлардан атиги 50-80 процент фойдаланилмоқда.

Тошкент трикотаж фирмасида, Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатларида, кўпгина шойи тўқиш фабрикаларида бу соҳадаги аҳвол айниқса ачинарлидир. Бу корхоналарда асбоб-ускуналар кўп вақт пландан ташқари бекор туриб қолмоқда, уларнинг унумдорлиги паст.

Бунинг бир нечта сабаби бор. Сабабларнинг энг каттаси шуки, яхши тайёрланган кадрлар етишмаяпти. Чунончи, Намангандаги шойи ва костюмбоп газламалар комбинатида ишчилар ўз вақтида тайёрланиб, ўқитилмаганлиги орқасида тўқув қувватларининг атиги 1,4 проценти ўзлаштирилган. Яъни бу қувватлар аслида бекор турибди, деса бўлади.

Министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва хўжалик органлари саноатнинг ҳамма тармоқларида қувватлар қандай ўзлаштирилганлигини муфассал суриштириб чиқишлари, қолоқ корхоналарга амалий ёрдам беришлари лозим. Янги ишга туширилаётган объектлар учун кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Мамлакатнинг илғор корхоналаридан ибрат олиб, қўшимча капитал харажатлар қилмасдан ва ходимларнинг сонини кўпайтирмасдан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳаракатини ривожлантириш зарур. Бу — республика партия ташкилотларининг жанговар программасидир.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошириш КПСС XXIII съезди ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг энг муҳим шартидир.

Республикадаги кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари бу ишда яхши натижаларга эришдилар.

Бироқ, умуман республика саноатида меҳнат унумдорлиги сust ривожланмоқда, айрим корхоналарда ҳатто пасайиб кетди.

Меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги нуқсонлар, бекор туриш ва ишга келмай қолиш натижасида иш вақтининг кўплаб нобуд бўлиши, кадрларнинг қўнимсизлиги бундай аҳволнинг сабабларидир.

1966 йил охирларида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Саноатда ва қурилишда меҳнат унумдорлигини янада ошириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Масалан шу йилнинг ўзидаёқ бултургидан 3 минг дона кўп пахта териш машинаси ишлаб чиқарилади. «Ташавтомаш» заводида пахтачиликда ишлатиладиган тракторлар ишлаб чиқаришнинг тўла цикли ташкил этилади.

Пахта етиштириш янада кўпайиб бораётганлиги туфайли уни тозалаш саноатини жадал ривожлантириш зарурати ҳам туғилмоқда. Биз бутун пахта ҳосилини ўз вақтида қайта ишлашни таъминлаш билангина чекланиб қолмасдан уни областлар ўртасида бехуда ташиб юришга ҳам чек қўйишимиз керак.

Ўзбекистонда енгил саноатни ривожлантирмоқ учун жуда катта ҳом ашё ва меҳнат ресурслари бор. Шуни ҳисобга олиб, Иттифоқ ҳукумати республика таклифни қувватлаб ва 1969 — 1975 йилларда 46 та янги корхона қуриш ва ишлаб турган 12 та корхонани реконструкция қилишни кўзда тутувчи махсус қарор қабул қилди. Бу эса, кўпгина моллар ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтириш ва бу моллар билан аҳолини яхшироқ таъминлаш имконини беради.

Республика партия ташкилоти олдида катта ва масъулятли вазифалар турибди. Ана шу вазифаларни муваффақиятли бажармоқ учун босиб ўтилган йўлни танқидий назардан ўтказиш, хўжалик юритиш соҳасида орттирилган тажрибани анализ қилиб чиқиш керак, барча резервларимиз ва имкониятларимизни ишга солиш юзасидан қунт ва ғайрат билан ишлашимиз лозим.

Атрофлича хўжалик ҳисоби бу вазифани ҳал қилишнинг муҳим калитидир. Хўжалик ҳисоби социалистик хўжалик юритишнинг методи сифатида нақадар кенг жорий этилса, хўжалик ҳисоби муносабатлари ҳар бир корхона ичкарисига — цехга, участкага, бригадага нақадар тўлиқ кириб борса — бу нарса иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг муваффақиятларини кўп жиҳатдан белгилаб бериши мумкин.

Партиямиз кун тартибига қўйган энг муҳим вазифалар — иқтисодий иш самаросини оширишдан, хўжаликка раҳбарлик қилишда иқтисодий методларнинг ролини кучайтиришдан, корхона коллективларининг мустақиллиги ва ташаббускорлигини оширишдан, уларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш, ҳар соҳада иқтисод ва тежамкорлик учун олиб бораётган курашга омилкорлик билан раҳбарлик қилишдан иборат.

## САНОАТГА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ПЛАНЛАШТИРИШГА РАҲБАРЛИКНИ ЗАМОНАВИЙ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

Иқтисодий ислоҳот доирасида бутун мамлакатимизда амалга оширилаётган ва ишлаб чиқаришни бошқариш, планлаштириш ва рағбатлантиришни ташкил этишни тубдан яхшилашга каратилган тадбирларнинг бутун системасида саноатга раҳбарликни янада такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрин олади. Янги шароитлардаги иш тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, республиканинг кўпчилик министрликлари ва идоралари экономикага раҳбарликнинг умумий системасидаги ўз ўринларини тўғри белгилаб олдилар, ўз тармоқларининг чинакам штаблари, партиямизнинг техника сиёсатини рўёбга чиқарувчилар бўлиб қолдилар. Эндиликда улар ўзларининг асосий эътиборини тармоқни ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш истиқболларига, шу соҳадаги ҳал қилувчи масалаларга қаратмоқдалар.

Лекин саноат, транспорт ва алоқанинг айрим корхоналаридаги, республикаларнинг баъзи хўжалик органларидаги хўжаликка раҳбарликнинг савияси ҳали ҳам экономикамизнинг ривожланиш суръатларидан, миқёсларидан ва вазифаларидан орқада қолмоқда.

Айрим раҳбарлар ва идора аппаратининг ходимлари корхоналарнинг мустақиллиги ибораси нотўғри тушуниб ва масъулият ҳиссини йўқотиб қўйиб, ишлаб чиқариш коллективларининг эҳтиёжлари тўғрисида дурст ғамхўрлик қилмаётирлар, уларнинг хўжалик фаолиятини чуқур ўрганмаётирлар, ишни бир маромда ва юксак самарадор қилиб ташкил этишда уларга лозим бўлган ёрдамни бермаётирлар. Бундай ходимлар ўз тераларидаги хотиржамлик ва бепарволик вазнитини вужудга келтирмоқдалар, бу эса, ҳар бир хўжалик органи аппаратининг меҳнатдаги кайфиятига салбий таъсир қилмоқда, ундаги айрим ходимларнинг топширилган иш учун масъулиятини пасайтирмоқда, меҳнат интизомини бўшаштиришга олиб келмоқда. Бу эса, баъзан, «занжирсимон реакция» каби шу орган қарамоғидаги корхоналарга ҳам ўтмоқда.

Масалаларни тайёрлаш ва ҳал қилиш ҳаддан ташқари чиғаллаштириб юборилган, ходимлар вақтининг анчагина қисмини қогозбозликка сарфлаётган, қўшимча равишда беҳуда ҳисоб-китоблар билан шуғулланаётган айрим хўжалик органларининг иш услуби билан келишиб бўладими ахир? Масалан, Каттақўрғон ёғ комбинати ўтган йилнинг саккиз ойи мобайнида министрликка 110 та ҳисобот ва маълумот юборган, шаҳар ва область ташкилотларининг талаби билан эса, яна 1300 тадан ортиқ маълумот ва турли ахборотлар тайёрлаган.

Айрим коллегиялар ишидаги камчиликлар ҳам батамом тугатилган эмас. Министрликлар, хўжалик идоралари ва муассасаларининг партия ташкилотлари идора аппаратининг ишини яхшилашга актив таъсир қилишлари, коммунистларни, барча ходимларни юксак онглилик, ўзаро талабчанлик ва ички интизом рухида тарбиялашлари лозим.

Хўжалик ислоҳоти бизнинг экономикамизга тобора чуқур сингиб бормоқда. Эндиликда ислоҳотнинг баракали таъсиридан баҳраманд бўлмаган корхонани, коллективни топиш қийин.

Афсуски, саноат, транспорт ва алоқанинг айрим корхоналарида ишлаб чиқаришни бошқариш савияси ҳозирча иқтисодий ислоҳот талабларидан орқада қолмоқда.

Бу йил — беш йилликнинг энг масъулиятли босқичи эканлигиг ҳаммага равшан Совет кишилари ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар ҳар биримиздан зўр ғайрат билан меҳнат қилишни талаб этади. Ҳамма резерслар, ҳар бир соат, ҳар бир иш минути ана шу вазифаниг бажарилишига қаратилиши лозим. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, айрим хўжалик раҳбарлари янги йилнинг биринчи кунларидан бошлабоқ ўз корхоналарида яхши меҳнат маромни вужудга келтирмоқ учун зарур чораларни кўрганлари йўқ. Қиш шароитида ишлашга қониқарсиз тайёрланганлиги орқасида «Ўзбекуголь», «Ўзбекнефть» бирлашмаси, «Андижанирмаш» заводи, бинокорлик материаллари саноатининг кўпгина корхоналари, Тошкент тўқимачилик комбинати, ёғ комбинати ва бошқа корхоналар январь ойининг биринчи ўн кунлигида ёмон ишлади. Корхоналарга хизмат қилишда, шаҳар транспорти ишида катта узилишларга йўл қўйган айрим транспорт ташкилотларимиз шаънига қаттиқ таъна қилсак арзийди.

Область, шаҳар, район партия комитетлари корхоналарнинг январь ойи мобаиндаги фаолияти якунларини махсус муҳокама қилиб, уларнинг бир маромда ишлашини таъминлашга доир чораларни кўришлари зарур. Қолоқ заводлар ва фаорикаларнинг орасида кўпчиликни ташкил этувчи майда корхоналар ишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Билимларнинг алоҳида соҳаси бўлган жамиятни идора қилиш фани бир қанча хусусий муаммоларни ўз ичига олади. Булар орасида экономикани идора қилиш билан оиргa одамларнинг меҳнат фаолиятини идора қилиш, меҳнатни илмий ташкил этиш муҳим ўрин олади. Бу соҳада республикада оир мунча иш қилинди. Ўзбекистоннинг саноат, транспорт, алоқа корхоналарида ҳозир меҳнатни илмий ташкил этишга доир план ишлаб чиқилди, уларни рўёбга чиқаришдан салкам 15 миллион сум иқтисодий самара олиш мўлжалланмоқда.

Бироқ, республика корхоналарининг тўртдан бир қисмигина меҳнатни илмий ташкил этиш ҳаракатига жалб қилинган. Меҳнатни илмий ташкил этиш планларини жорий этиш савиясининг ўзи ҳам жуда паст. Шу сабабли республика партия, касаба союз ва хўжалик органларининг вазифаси шундан иборатки, улар корхоналарда меҳнатни илмий ташкил этишнинг махсус бўлимларини вужудга келтиришлари, меҳнатни илмий ташкил этиш планларининг инженерлик ва идора меҳнатидан энг рационал фойдаланиш масалалари, ташкилий техника воситаларини жорий этиш билан узвий равишда боғланган ҳолда ишлаб чиқиш соҳасидаги ишни яхшилашлари керак. Раҳбар кадрларнинг махсус қўқувини йўлга қуйиш, уларни ишлаб чиқаришни илмий бошқариш асослари тўғрисидаги билимлар билан қуроллантириш, улар учун меҳнатни илмий ташкил этишга доир, техника эстетикасига, инженерлик психологиясига доир ва бошқа ёндош фанларга доир лекциялар ва семинарлар уюштириш зарур.

Мамлакат экономикасига раҳбарликни планлаштиришни узлуксиз такомиллаштириш асосида яхшилаш вазифаси КПСС XXIII съезди директивларида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг асосий вазифаларидан бири қилиб қўйилган. Бу ишда республикада кўпгина натижаларга эришилди.

Лекин шундай бўлса ҳам ҳали бу ишда камчиликлар бор. Корхоналарнинг ишлаб чиқаётган планларида ҳали коллективларнинг имкониятлари, ишлаб чиқариш резервлари, халқ хўжалигининг эҳтиежлари тўлиқ ҳисобга олинмаётир. Тасдиқланган топшириқлар баъзан корхоналарга жуда кечикиб маълум қилинади, айрим жойларда ҳали ҳам перспектив планлар тузилмаётир. Айрим хўжалик органлари корхоналарга ўнлаб қўшимча кўрсаткичларни яна белгилаб беришга уринмоқдалар.

Пландаги топшириқлар тез-тез ўзгартириб турилганини энг катта нуқсон деб ҳисобламоқ керак, чунки бу нарса планларнинг обрўсини тўкади, уларнинг рағбатлантирувчи ролини йўққа чиқаради.

Планлаштиришнинг бундай практикасини яна бир марта қоралаш ҳамда министрларга, бош бошқармаларнинг ва корхоналарнинг раҳбарларига план ишининг аҳволи учун шахсан ўзлари жавобгар эканликларини эслатиб қўйиш керак. Республика Госплани ҳам планлаштириш ишини яхшилашга бевосита таъсир ўтказиши, бу муҳим ишда зарур тартиб ўрнатиши лозим.

## КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Республика партия ташкилоти КПСС XXIII съезди қарорларини бажара бориб, кадрлар билан ишлашни яхшилади, ишлаб чиқаришнинг етакчи соҳаларини қобилиятли ташкилотчилар, ўқимишли мутахассислар билан мустаҳкамлади. Шу жиҳатдан олганда Фарғона, Тошкент, Чирчиқ шаҳар партия ташкилотларининг иш тажрибаси ибратлидир. Область, шаҳар ва район партия комитетларида ишлаб турган курслар, семинарлар, мактабларда корхоналарнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш мутахассислари, экономика, меҳнатни илмий ташкил этиш масалаларини ўрганмоқдалар. Иш тажрибасини баҳам кўрмоқдалар. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари партия ташкилотлари секретарларининг малакасини оширишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети саноат тармоқлари бўйича ўтказаётган семинарлар катта фойда келтирмоқда.

Шундай бўлса ҳам иқрор бўлиб айтиш керакки, айрим партия комитетлари, министрликлар ва идораларнинг кадрлар билан ишлаш савияси ўсиб бораётган талабларга ҳамон жавоб бераолмайди. Партия комитетлари, хўжалик ташкилотлари кўпинча кадрларни таслаш ва жой-жойига қўйишда ходимларнинг билимлари ва қобилиятларини старли ҳисобга олмайдилар, ишлаб чиқаришнинг масъулятли участкаларига тегишли даражада ишчанлик қобилиятига ва сиёсий фазилатларига эга бўлмаган кишилар бошчилик қилиб келишига чидаб келмоқдалар, социалистик мулкнинг ўғирланиши ва талон-торож қилинишига қарши кескин кураш олиб бормаётирлар.

Республиканинг айрим корхоналарида ўрта звенодаги кадрлар билан ишлашга етарли баҳо берилмаётир.

Мутахассислардан фойдаланишда, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашда жиддий камчиликлар бор.

Мисол учун Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги системасини олиб қарасак, 300 дан зиёдроқ махсус ўрта маълумотли мутахассис ишчи бўлиб ишлаётгани ҳолда 1400 дан ортиқроқ инженер-техник лавозимини практиклар эгаллаб турибди. Бундай камчиликларнинг ҳаммасига барҳам бериш керак.

Саноат узлуксиз ривожланиши билан бирга ишчилар синфининг сони ҳам тўхтовсиз ўсмоқда. Бу ишчи кадрларни кенг тайёрлаш заруратини туғдиради. Беш йилликнинг уч йили мобайнида республика саноати учун 155 минг ишчи тайёрланди. Лекин бу мутлақо оз. Хусусан янги ишга туширилаётган корхоналарда ишчилар етишмаётганлиги айниқса сезилиб қолмоқда.

Иш кунидан рационал фойдаланиш — ишлаб чиқаришдаги энг йирик резервдир. Лекин айрим корхоналарда иш вақтининг бекор кетишига қарши етарли кураш олиб борилмаётир, кадрларнинг қўнимсизлигига қарши етарли курашилмаётир, ишчиларнинг юқори унумли меҳнат қилиши учун нормал шарт-шароит яратиб беришга етарли эътибор берилмаётир.

Партия ташкилотлари кадрлар билан ишлашни қатъий суратда яхшилашга, уларга нисбатан талабчанликни оширишга, ходимларни ўзларига топширилган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялашга, меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишга даъват этилгандирлар.

Партиямиз мамлакатимизни янада ривожлантириш йўлларини белгилар экан ва коммунистик қурилишнинг етилган проблемаларини ҳал қилар экан омманинг ўсиб бораётган активлигига, унинг коллектив тажрибаси ва ақл-заковатига таянади. Партиянинг куч-қудрати ана шундадир, партиянинг самарали амалий фаолиятининг муҳим шарти ана шундадир. Шу кунларда В. И. Ленин туғилганига юз йил тўлишини муносиб кутиб олиш учун мусобақа мисли кўрилмаган даражада авж олиб кетди. Бу мусобақа янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари ва починларини туғдирмоқда. Республикамизда ҳам янги-янги ташаббуслар кенг қанот ёзмоқда. Каттақўрғондаги Куйбишев номли ёғ-мой комбинатида резервларнинг ленинча кўриги деб аталган янги ҳаракат вужудга келди. «Ташавтомаш» заводи коллективи республикада смена топшириқларини 7 соатда бажариш учун мусобақа ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. Ана шу ва шунга ўхшаш бошқа қимматли ташаббуслар ҳамма совет кишилари томонидан қизғин кутиб олиниб, қўллаб-қувватланмоқда.

Партия комитетлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг вазифалари ишлаб чиқариш илғорларининг, корхоналар коллективларининг ижодий ташаббуслари ҳамиша қўллаб-қувватланиши, бутун чоралар билан оммалаштириши учун ниҳоятда бор ҳамма ишни қилишдан иборатдир.

КПСС XXIII съезди шу нарсани таъкидлаб ўтдики, халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планининг мувваффақиятли бажарилиши партия ва совет халқининг коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтириш ва мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун курашида муҳим босқич бўлади. Худди шунинг учун ҳам ҳар бир корхонада план топшириқларининг бажарилиши партия, совет ва хўжалик органларининг, бошланғич партия ташкилотларининг ҳамиша диққат марказида бўлиши керак.

Кейинги йилларда бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти бир мунча ортди.

Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенгроқ жалб қилиш, ишчилар йиғилишларининг ва доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларининг ролини ошириш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XII пленуми КПСС XXIII съезди қарорларини бажариш юзасидан Ўзбекистон партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий ишларини кучайтириш тўғрисидаги масалани қараб чиқиб, иш услуби ва методларини янада такомиллаштириши партия комитетларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб топди.

Бизнинг энг биринчи бурчимиз — бошланғич партия ташкилотларининг янада мустаҳкамланишини таъминлашдан, уларга кўпроқ ёрдам кўрсатишдан, уларнинг иш формалари ва методларини такомиллаштиришдан иборатдир. Цех партия ташкилотлари ва партия группаларга шохобчаларини кенгайтириш — партиянинг ҳар бир аъзоси меҳнатда ва турмушда ибрат кўрсатишига эришмоғимиз керак.

Мамлакатимиз беш йилликнинг тўртинчи йилини муваффақиятли бошлади. Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларининг бутун иши В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик белгиси остида ўтмоқда.

Ҳозир ҳар бир корхона, цех, участкада янги марралар белгиланмоқда, ана шу марраларга қандай қилиб эришишнинг конкрет тадбирлари белгиланмоқда. Бизнинг активимизда саноат ходимларининг 1969 йилги социалистик мажбуриятлари қабул қилинадики, бу ҳам шундан далолат беради.

Лекин шуни унутмаслик керакки, мажбурият олиш — бу ишнинг бошланиши, холос. Энг муҳими — белгиланган планни оғишмай амалга оширишдан, социалистик мусобақа натижаларининг кенг маълум қилинишини ва таққослаб борилишини таъминлашдан, моддий ва маънавий стимулларни тўғри қўшиб олиб боришдан, ижобий тажрибани астойдил оммалаштиришдан иборатдир.

Бу ишда корхоналарнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари катта роль ўйнашлари керак. Партия, касаба союз ва комсомол активлари, барча коммунистлар оммаснинг ўртасида бўлиб, уларга раҳнамолик қилишлари, қолоқларни илғорлар даражасига етказишлари керак.

Мусобақани матбуотда, радио ва телевиденеда ёритишни кучайтириш, социалистик мусобақада вужудга келаётган жамики қимматли нарсаларни қўллаб-қувватлаш, энг яхши меҳнат намуналарини ишчанлик билан пропаганда қилиш, беш йилликнинг тежаб қолинаётган вақтини кундалик равишда ҳисобга олиб бориш зарур.

Саноат, транспорт ва алоқа ходимлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олган юксак мажбуриятларни шараф билан бажардилар ва бу санани муносиб кутиб олдилар деб ишонч билан айтишга рухсат этгайсиз. (Қарсаклар).

КОЛХОЗЛАРДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

# ЯКУНЛАР, РЕЖАЛАР

Хатирчи районидаги «КПСС XXII съезди» колхози йирик пахтакор хўжаликлардан бири. Бу ерда ишлаб чиқариш йил сайин юксаляпти, етиштирилаётган пахта ва бошқа маҳсулотларнинг миқдори кўпаймоқда, колхозчиларнинг турмуш даражаси яхшиланяпти. Масалан, беш йилликнинг уч йили ичида давлатга планга қўшимча 2300 тонна пахта сотилди. Янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта майдони кенгайтирилди.

Колхозда 1968 йил яхши кўрсаткичлар билан якунланди. Ҳар гектар ердан 33.1 центнердан пахта олинди, ҳосилдорлик 1967 йилдагига нисбатан 1.1 центнер ошди. Йиллик пахта тайёрлаш плани 118 процент бажарилди. 12 та бригада ва 43 та звенонинг ҳаммаси йиллик планларини тўла ҳамда ошириб бажариб, умумий юксалишга ҳисса қўшди. Ф. Болтаев, Ч. Йўлдошев, Н. Аҳадов, У. Қиличев, О. Аҳтамов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни оширишда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Жумладан, Фармон Болтаев бошлиқ бригада гектаридан давлатга пландаги 32 ўрнига 51 центнердан пахта топширди.

Йиллик ҳисобот йиғилишида доклад қилган колхоз раиси ўртоқ Ҳамдам Раҳимов шуларни таъкидлар экан, қизиқ фактларни келтирди. Ишлаб чиқариш плани бўйича, — деди у, — бултур 1470 гектар ердан давлатга 4110 тонна пахта топширишимиз, умумий даромаднинг 1 миллион 810 минг сўм бўлишига эришишимиз керак эди. Амалда эса давлатга салкам 5000 тонна пахта сотдик ва 2 миллион 410 минг сўм даромад олинди.

Хўш, бунга қандай қилиб эришилди? Давлатга шартномадагига нисбатан кўп пахта топшириш билан бирга, унинг сорти яхшиланди. Тайёрланган пахтанинг 92 процента биринчи сортга қабул қилинди. Машина терими топшириғи 260 процент адо этилди. Материал ва маблағларни тежаб-тергаб сарфлаш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш натижасида ялпи даромад ва айниқса соф фойданинг миқдори кўпайди, кишикунининг қиймати ошди. Ишлаб чиқариш-молия планида бир киши-кунига 2 сўм 37 тийиндан пул бериш назарда тутилган эди. Ҳақиқатда эса 4 сўм 97 тийиндан пул тақсимланяпти.

Раис ячки хўжалик ҳисобига кўчиб ишлаётган бригада ва звенолар ҳақида кўпгина мақоллар келтирди. Тажрибали деҳқон Чори Йўлдошев уч йилдан бери Мингтут массивида пахта етиштираётган бригадага раҳбарлик қиляпти. Шу йиллар ичида бригадада пахта майдони икки баравар кенгайтирилди. Утган йили массивда 102 гектар майдонга чигит экилиб, у текислаб, ўриб олинди, ғўза сифатли парвариш қилинди, қатор оралари асосан механизация воситаси билан ишланди. Барча ҳосил машинада терилди. Ҳар гектар ердан 47,3 центнердан пахта олинди. Жуда арзон пахта етиштирилгани туфайли бригада аъзоларининг ойлик иш ҳақи ўрта ҳисобда 287 сўмдан тушди. Аҳмад Халилов, Абдураҳмон Усмоновга ўхшаш звенолар ҳам хўжалик ҳисобида ишлаб, мўл ва арзон ҳосил етиштирдилар. А. Усмонов бошлиқ звено гектаридан давлатга пландаги 31 ўрнига 60 центнердан пахта топширди.

Колхоз бухгалтерияси йиллик ҳисоботни тузиб, қилинган харажат ва олинган даромад ўртасидаги фарқ аниқлангач, хўжалик ҳисобига кўчиб ишлаётган ҳар бир бригада ва звено етиштирган ҳосил, колхозга келтирган даромад ва сарф-харажатларнинг анализи бригадалар ва звеноларнинг аъзолари ўртасида ўқиб эшиттирилди.

Йиллик ҳисобот аввал правлениеда кўриб чиқилди. Сўнгра уни партия ташкилотининг умумий йиғилиши кенг муҳокама қилди. Партия йиғилиши правление фаолиятини мақуллаб, ҳосилдорликни янада ошириш, ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш тадбирларини белгилади. Шундан кейин йиллик ҳисобот колхозчилар муҳокамасига ҳавола қилинди. Колхозчилар правление фаолиятини қониқарли топиш билан бир қаторда, қатор масалаларни ўртага ташладилар.

Бригада бошлиқлари Ф. Болтаев ва К. Қиличев ўртоқлар айрим участкаларда вилт тарқалгани орқасида пахтадан кам ҳосил олинганлигини айтдилар. Нотиқлар пахта-беда алмашлаб экиш кенг жорий этилмаганлиги сабабли бу касаллик анча майдонга тарқалганлигини таъкидлаб, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига бедапоялар майдонини ҳозиргига қараганда икки баравар кенгайтиришни таклиф қилдилар.

— Мен ўтган йили, — деди механизатор Яркул Ражабов, — ғўза қаторораларини культивация қилиш, эгат олиш ва ғўзани озиқлантириш топшириғини бир ярим баравар бажардим. Мавсумда 113 тонна пахта теріб бердим. Пахта етиштиришни кўпайтиришга биз механизаторлар муносиб ҳисса қўшиб келяпмиз. Хўжалигимиз шароитида пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун барча имкониятлар бор. Мингтут ва Қоратепа массивларида насос орқали сув чиқариб, яна камида 400 гектар ер ўзлаштирилиши мумкин. Бунинг учун техника етарли.

Йиғилишда кўрсатилишича колхозда чорвачилик маҳсулотларининг таннархи қимматга тушяпти. Пиллачиликдан зарар кўриляпти. Чунки унинг озуқа базаси мустаҳкам эмас, барг етишмайди, бошқа жойлардан барг ташиб келтирилади. Натижада кам ҳосил олинади, пилланинг таннархи ошиб кетади. Чорва моллар учун ем-хашак етарли жамғарилмайди. Йиллик ҳисобот юзасидан музокараларда сўзлаган колхозчилар тут кўчатзорлари барпо этиш, беда поялар майдонини кенгайтириш орқали мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш зарурлигини қатъий таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилишда кўкламга тайёргарлик кўриш соҳасида мавжуд бўлган камчиликлар ва уни бартараф қилишга алоҳида эътибор берилди. Экин майдонларининг тўртдан бир қисми ҳайдалмаган. Техника ремонтини тезлаштириш, кўпроқ маҳаллий ўғит тўплаш кераклиги кўрсатилди.

Ҳисобот йиғилишида бу йил янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта майдонини янада кенгайтириш, 1550 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбурият тасдиқланди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

# ҚИШЛОҚ УЛУҒЛАРИ

ЛАВҲА

Ҳар жойнинг ўз улуғлари, мўътабар кишилари бўлади. Эл уларни оқсоқолимиз деб эъзозлайди. Тўй-маъраканинг бошида ҳам улар, яхши кунда маслаҳатгўй ҳам, оғир кунда камарбаста ҳам улар.

Искандар ота Мирзабеков ўз қишлоғининг ана шундай улуғларидан. Уттиз олти йил бурун чўлга капа тикканида қирчиллама йигит эди. Ўшанда кўнгил икки бўлинган, ҳоҳ она юрти—Зомин тоғлари ўзига тортар, ҳоҳ асрий уйқуда мудраётган чўл жасоратга чорлар эди. Тўқай шамолда шовуллар, баъзи одамларнинг «Шу ерларда ҳам пахта экиб, деҳқончилик қилиб бўладими» деб ишончсизлик билдиришн бошқаларнинг кўнглига ғулғула соларди.

У вақтлар ўтиб кетди.— ҳаёлидан ўтказади Искандар ота.—Янги ерлар очдик, тўқай чекинди. Ота-бобомиз сурув кетида умр ўтказган бўлса, биз чўлда пахтакор бўлиб кам бўлмадик. Эҳ, биринчи ҳосилимиз!... Қандай байрам бўлган эди ўшанда. Гектаридан етти центнердан пахта олгандик. Ўз вақтида бу ҳам катта гап эди. Ана ўшандан бери қанча йиллар ўтди. Ҳосилимиз 20-25 центнерга ҳам етди. Гулистон районидаги «Ленинский путь» колхози эл оғзига ҳам тушди.

Шу зайлда йиллар ўтди. Бултур чўлда илк бор капа тикканлардан бир неча кишини ҳамқишлоқлар катта иззат-ром билан пенсияга чиқаришди. Улар орасида Искандар ота, унинг сафдошлари, бирга чўл қувган елкадош дўстлари Маматқул бобо, Мелибой бобо, Деҳқонбой боболар ҳам бор. Отахонлар пенсияга чиқдик, деб ёнбошлаб олишмади, қийин-қисталанг кунларда дала бошида туришди, ёшларга бошқош бўлишди.

Лекин бу билан кўнгил тўлмади. Эски чўлқуварлар белбоғни белга яна ҳам маҳкамроқ ғортишди. «Олтмиш олти ёшли Искандар ота мўътабар кексаларнинг бошини бириктириб, ўзлари бригадир бўлибдилар», деб эшитган куним, ростини айтсам, бир ишониб, бир ишонмай йўқлаб бордим.

—Э-э, амакингиз кексайганда оёқ узатиб ётавермай бирга бўптилар, ким билади дейсиз, ном чиқармоқчимилар, деди кулиб Улбека хола.—Кўйинг десам, шаштлари зўр, колхозга қоним қўшилган, дейдилар. Маматқул бобонгиз билан Деҳқонбой бобонгизни эргаштириб, «сув очиб келамиз» деб азонда ариқ ёқалаб кетувдилар.

Тўғриси, бошда Улбека холанинг кайфиятини билолмадим. У чолларнинг ишидан дам ҳайратланиб, дам уларга ачиниб гапирарди:

— Мен жаҳлим қолавердим, у-киши эса парвойи палак. Илгариги куч-қувватим бор деманг, қўйинг саккиз фарзандимиз бор, шуларнинг топганига шукур қилиб ётинг десам, чолим қурмагур «қари дема...» деб ҳафа бўлдилар. Кейин куюниб гапирдилар: «Ўтган йили плани-миз 60 процентда қолиб кетди-ку». Ғайратлари астойдил шекилли, қаҳратон чиллада далага отландилар. Шу кунда ерга сув қўйишармиш, қорнинг нами чилла сувининг ўрнини босолмайди, деб эслари кетяпти...

Улбека хола билан хайрлашиб, ариқ ёқалаб кетдим. Бу йил ажойиб қиш бўлди. Мана, булутларнинг кўзи йиртилиб ҳаво ҳам очилиб кетди. Ялангтўш ерлар оппоқ қорларни «тиш»га босиб шимяпти. Баракали йилнинг нафаси сезилади. Асил деҳқонлар қимирлаб қолишди.

Қишлоғимиз улуғлари Искандар ота, Маматқул бобо, уларнинг тенгқурлари Абдулла бобо, Ҳотам бобо кўз ўнгимдан ўтади. Сафдошларнинг энг «ёши» Деҳқонбой ота олтмиш тўртда экан. Улар шу колхозни тузишди, бу йўлда заҳмат чекишди, сочларига оппоқ қиров тушди. Колхоз сал оқсагандики, «қариликдан кечиб», мана, яна жанговар сафда улар!

Қишлоқ улуғи бўлиш қандай шарафли, айни пайтда қанчалар масъулиятли, дейман ўзимча.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ.

## ЧИРЧИҚ ХИМИКЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Чирчиқ электрохимия комбинатининг коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган мусобақада катта ғалабани қўлга киритди. 1968 йилнинг IV кварталидаги иш кунлари бўйича корхонага СССР Химия саноати министрлиги ҳамда нефть ва химия саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда биринчи даражали мукофот берилди.

## ЯНГИ ФАКУЛЬТЕТЛАР

Низомий номидаги Тошкент педагогика институти ҳузуридаги педагогик билимлар халқ университетида икки янги факультет—музика ва рассомлик факультетлари очилди. Ҳозир бу ерда олтита факультет ишлаб турибди. Дастлабки тўрт факультетни бошланғич таълим, мактабгача тарбия, синф раҳбарлари ва ота-оналар факультетини ўтган беш йил мобайнида беш юздан кўпроқ мактаб ўқитувчиси ва ўқувчиларнинг ота-оналари тамомлаб чиқди.

Музика ва рассомчилик факультетлари мактаб бадиий ҳаваскорлиги ҳамда тасвирий санъат студияларининг ташкилотчиларини тайёрлаб чиқаради.

Машғулотларни олимлар, рассомлар, композиторлар, музикашунослар олиб борадилар.

ЛЕНИН районидаги «Иттифоқ» колхозининг аъзолари қишки тадбирларни уюшқоқлик билан амалга оширяптилар, кўнлам экишига пухта тайёргарлик кўряптилар. Бу ерда техника ремонти, суғориш тармоқларини тозалаш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин давом этяпти. Юқоридаги суратда (чапдан): механизатор Эргаш Исмоилов, колхоз бош инженери Қўчқор Омонов ва устахона мудири Маманосир Даминовлар ремонтдан чиқарилган тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини текшириб кўришяпти. Пастдаги суратда эса, колхоз фермасида тўпланган маҳаллий ўғит механизмлар воситаси билан трактор прицепларига ортиляпти.

Г. Кечкин фотолари.

## САТРЛАР ҲИКОЯСИ

### ДАМ ОЛИШ УЙИ

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхозда қирқ ўринли дам олиш уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Колхоз раиси ўртоқ Қ. Ҳайдиевнинг айтишича, дам олиш уйининг биринчи меҳмонлари механизаторлар, колхознинг илғор кишиларидирлар.

### ЯНГИ ТРЕСТ

«Қаршистрой» бошқармаси қузурида улкан қурилиш ташкилоти тузилди. Янги ташкилот саноат ва граждан қурилиши трести деб аталади. Трест 4- йўл қурилиш бошқармаси, 5-қурилиш-монтаж бошқармаси ва кўчма механизация колоннаси базасида ташкил топди.

Трест коллективи Қарши чўлида саноат корхоналари қуришда қатнашади. Чўлқуварлар учун турар-жой бинолари, турли маданий-маиший муассасалар қуради.

### ОДАМТОШ ГАЗИ

СССР Министрлар Советининг турли юнлар запасини аниқлаш бўйича тузилган Давлат комиссияси Қашқадарё область территориясидаги энг улкан Одамтош конига тааллуқли барча ҳисобот материалларини кўриб чиқди. Одамтош газ конининг миқдори 32 миллиард кубометрдан ҳам ортиқ деб топилди.

Одамтош газ кони фойдаланишга топширилди.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

## БАЙРОҚЛИ ТРЕСТ

СССР Геология министрлигининг коллегияси билан геологияразведка ишчилари касаба союзи марказий комитетининг президиуми 1968 йил тўртинчи кварталдаги социалистик мусобақа якунларини 31 январда чиқарди. Энг яхши экспедицияларга СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроқларини беришга қарор қилинди. Улар орасида «Самарқандгеология» трести-нинг коллективи ҳам бор.

Янги шеърлар

## ЧЎПОН

Емгир ёғса тошар сойлар тўлиб
селга,
Чўпон йигит белбоғини бойлар
белга.
Тонг саҳардан таёғини олиб
қўлга,
Отарини ҳайдаб олиб чиқар
чўлга.

Чўпон йигит бўрон, қишни
кўзга илмас,
Чўл шамолин даҳшатини
писанд қилмас,
Кўкрак кериб кенг саҳрода
юрсам дейди,
Қўй-қузимни юлдуздан кўп
қилсам дейди.

Очиқ шоир ЭШМУРОД ўғли.

<> <>

## ТЕНГДОШЛАРГА

Ҳаёт мураккабдир. Ҳар
лаҳзасидан,
Чуқур маъно излар мудом
қари-ёш.
Инсон тириклика ўқиб қасида,
Порлаб турсин дейди мисоли
қуёш.
Орзу қилсин, майли, офтобни
одам,
Тарк этмасин она ери нур
каби.
Даҳоси яратсин оламдан олам,
Аёзни иситиб турсин юраги.
Қалб кўзида кўрсин севги
дунёсин,
Ишқ, вафо эгизак бўлсин
ишида.
Мангулиндан топсин яшаш
маъносин
Дунёга баҳордай бир келишида.
Дейишар: ёшлида тўпла
хазина,
Дур-жавоҳир эмас, қолдир яхши
ном.
Бекор умрингдан сўнг қилмагин
гина,
Қўшиқа айланмай сўнмасин
илҳом.
Янгирма ёшдамиз. Ахир, шу
ёшда —
Абдулла, Кошевой бўлиши
афсона.
Минг хаёл, бир мақсад яшаган
бошда,
Умр тугамаган ёна ва ёна.
Издошлар нам эмас. Лозим
бўлса гар,
Тўқнашамиз ўлим билан юзма-юз.
Юрт учун фидоқор қайта
туғилар,
Умрини ҳеч хазон қилолмагай
куз.
Уз номин ҳалоллаб ер
тенгдошларим,
Оталар ўгити — юракда, қонда.
Йўлашар: чимирилган қора
қошларни,
Мағрур ниғоҳлари азиз Ватанда.
Билар тенгқурларим: ёшлик —
баҳорга
Ярашмас меҳнатсиз, тумтароқ
қашам.
Ёшлик тўлиб оққан катта
анҳорга
Ҳас-ҳашак туширмас улар сира
ҳам!
Ҳа, ёшлик бўлмасин оддий
ўйинчоқ,
Уйнай-ўйнай ташлаб кетмасин
бироз.
Ғўзаллика упа-эллик, тақинчоқ,
Ёхуд тенг эмас, меҳнатдир —
гароз.
Бизлар она юртнинг ишонган
тоғи,
Улуғ партиянинг беором қалби.
Яшнасин десангиз бу ҳаёт боғи,
Яшашни ўрганинг бир инсон
каби!

Шукур ДАДАШ.

<> <>

## ИСТАЙМАНКИ...

Истайман,
одамлар доим бўлсин шод,
Ҳеч кимнинг дилига чўкмасин
қайғу.
Тинчлик кабутари шўх қонсин
қанот,
Юракда жўш урсин энг ширин
туйғу!

Доим тинчлик бўлсин, низо
бўлмасин,
Оналар куймасин фарзанд
доғида.
Доим, эшитайлик булбул
нағмасин,
Фарзандлар қувнасин ҳаёт
боғида.

Осойишта бўлсин бу кўҳна
олам,
Доимо сурайлик ҳаёт тотини.
Билмайлик нелигин қайғу билан
ғам.
Асло эшитмайлик уруш отини!

Турсунбой РАСУЛЕВ.

# ЁЗИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Совет Ўзбекистони Справка бюроси

**Улуғ Ватан уруши инвалидлари қандай имтиёзларга эга?**

М. ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳри.

Она-Ватанни ҳимоя қилишда ёки ҳарбий хизматда ўз бурчини бажараётганда яраланган, урушда қатнашиб саломатлиги заифлашиб ногирон бўлиб қолганларга ҳозирги қонунга мувофиқ қатор имтиёзлар берилган.

Чунончи, Улуғ Ватан уруши инвалидларини ярим иш куни-га ишга кабул қилиш мумкин. Бундай ҳолларда иш ҳақи ишбай ёки соатбай тўланади. Агар штат қисқарадиган бўлса, улар ўз иш жойида қолиш ҳуқуқига эга.

СССР Олий Совети Президиумининг 1967 йил 26 сентябрь Фармонига мувофиқ, 1968 йил 1 майдан бошлаб Ватан ҳимоячилари олаётган пенсияларнинг минимал миқдори оширилди. Уларга қарилик пенсияси олишда имтиёзли шартлар берилган: 25 йил иш стажига эга бўлган эркаклар қарилик пенсиясига 55 ёшда, 20 йилдан кам бўлмаган иш стажли аёллар 50 ёшда чиқадилар.

Улуғ Ватан уруши инвалиди ишлаб турган вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотса, унга иш стажидан қатъи назар иш ҳақининг 100 процента миқдорида нафақа тўланади. Агар инвалид касаба союз аъзоси бўлмаса, иш ҳақининг 50 процента миқдорида нафақа тўланади. Улар врач рецепти бўйича дори олганларида дорининг 20 процент баҳосини тўлайдилар, холос.

Шунингдек, Улуғ Ватан уруши инвалидлари, ҳарбий хизматни бажараётганда инвалид бўлганлар, урушда ўлган жангчиларнинг оилалари уй-жой олишда маълум имтиёзларга эгадирлар. Бундай шахслар ижрокомларда алоҳида рўйхатга олинадилар.

* * *

**Совет Армиясида хизмат қилган даврни иш стажига қўшиладими?**

С. ТОЛИПОВ,
Марғилон шаҳри.

Совет Армиясида хизмат йиллари барча қоллар учун умумий иш стажига қўшилади. Бунда хизмат қилган киши армияга чақирилгунгача ишлаган ёки ишламаганлигининг аҳамияти йўқ.

* * *

**Мен Совет Армияси сафидан қайтиб, илгариги иш жойимда ишлай бошладим. Меҳнат отпускамни 11 ой тўлмасдан олишим мумкинми?**

Т. ЖАЛИЛОВ,
Фарғона шаҳри.

Умумий қоидага мувофиқ ишчи ва хизматчилар навбатдаги меҳнат отпускасини иш жойларида узлуксиз 11 ой ишлагандан кейин олиш ҳуқуқига эгадирлар. Кейинги отпускалар эса бу муддатдан олдин ҳам аванс тариқасида берилиши мумкин.

Лекин ҳаракатдаги қонунчилик меҳнаткашларга навбатдаги меҳнат отпускасини биринчи йил ишлашида ҳам беришни кўзда тутади. Масалан, хотин-қизларнинг илтимосига мувофиқ, унинг навбатдаги отпускаси, агар у мазкур корхонада 11 ойдан кам ишлаган бўлса ҳам ҳомиладорлик даври ва бола туғилгандан кейинги отпускасига улаб юборилади.

Мактаб ўқитувчилари, техникумлар ва олий ўқув юртларининг ўқитувчиларига, агар улар 1 сентябрдан ишга тушиб, бутун ўқув йили давомида ишлаган бўлсалар, бундай ҳолларда ҳам муддатидан олдин меҳнат отпускаси ола оладилар. Агар ўқитувчи ёки педагог ана шу ўқув юртига 1 сентябрдан кейин ҳарбий хизматни ўтаб келгандан сўнг ёки олий ҳамда ўрта ўқув юртини битириб ишга келган бўлса, агар у бир йилдан кам ишласа ҳам унга навбатдаги меҳнат отпускаси ёзги каникул даврида тўла берилади.

Совет Армияси сафига хизматга чақирилгунча ишлаб турган жойига хизмат муддатини ўтаб бўлгач қайтиб келган ишчи ва хизматчиларга ҳам муддатидан олдин отпуска берилади.

* * *

**Уз хоҳиши билан ишдан бўшаган тақдирда узлуксиз иш стажи сақланадими?**

Ф. САТТОРОВ,
Янгийўл шаҳри.

Агар ишдан бўшагандан сўнг бир ой мобайнида бошқа ишга жойлашиб олинса, у ҳолда узлуксиз иш стажи сақланиб қолади.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

## «ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг январь сони «Идеология ишининг савияси юқори, қулаш кенг бўлсин» сарлавҳали бош мақола билан очилади. «Ленин лекторияси» рубрикаси остида фалсафа фанлари кандидати, Тошкент олий партия мактабининг доценти С. Ханнинг «В. И. Ленин социалистик демократия ҳақида» сарлавҳали мақоласи ҳамда марксизм-ленинизм асослари мактабларининг, пиғиловчиларнинг ва пропагандистларнинг ёрдам берувчи материал босилган.

«Экономика, ишлаб чиқариш, меҳнат» рубрикаси остида Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри С. Мамарасулевнинг «Мелиорация — барқарор қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий масаласи», Ўзбекистон ССР Химия саноати бошқармасининг бошлиғи Э. Эгамбердиевнинг «Химия индустрияси — қишлоқ хўжалигига», иқтисод фанлари кандидати Ф. Қаюмовнинг «Капитал маблағ сарфлаш ва колхоз ишлаб чиқаришининг ривожланиш суръатлари» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Журналнинг «Идеология иши ва турмуш» бўлимида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Р. Алимовнинг «Комсомол сиёсий маорифи» сарлавҳали мақоласи ва бошқа кўпгина материаллар берилган.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

## ТАЛАБ ЎРИНЛИ

«Ҳурматли редакция! Колхозимиз ҳар йили пахтадан юқори ҳосил оляпти. Чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа тармоқлар ҳам катта даромад келтиряпти. Хуллас, колхозимиз миллионер хўжалик. Лекин бу ерда колхозчилар маданий-маиший ҳаётини яхшилашга етарли эътибор берилмаяпти. Масалан, 4- пахтачилик бригадаси территориясида истиқомат қилаётган аҳоли электр нури ва радио эшитишдан маҳрум бўлиб қолаётир. Бу нуқсонни бартараф этишда ёрдам беришингизни сўраймиз».

Қорақўл районидаги «Октябрь» колхози аъзоларидан олинган хатда шундай ёзилган эди. Редакциянинг илтимоси билан текшириш ўтказган Қорақўл район партия комитети қуйидагиларни билдирди.

Текширишда меҳнаткашларнинг хатида қўйилган талаблар ўринли эканлиги аниқланди. Натижаси район партия комитетида муҳокама қилиниб, бригада аъзоларининг уйларини электрлаштириш ва радиолаштиришни 1 Май байрамига қадар тугаллаш тегишли ташкилот раҳбарларига топширилди. «Селэлектр»га қараши қурилишмонтаж бошқармасига ишчи кучи ва транспортдан ёрдам кўрсатиш колхоз правлениесига юклатилди.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

# Халқаро ҲАЁТ

# ИҒВОГАРЛИК ТЎХТАТИЛСИН!

**ВАШИНГТОН. АҚШ Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилиш тўхтатилганлигини эълон қилганига қарамай, Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасига ҳужум қилишни давом эттирмоқда.**

АП агентлигининг мухбири Сайгондан хабар беради: АҚШ ҳарбий қўмондонлигининг вакиллари 30 январда «Американинг «В-52» бомбардимончи самолётларидан баъзилари 17-параллелдан шимолдаги районларни (яъни Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини) бомбардимон қилганлиги»ни айтдилар. Америка қўмондонлиги илгари Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг норозилик нотасини «асоссиз нота», деб рад қилган эди. Бу нотада Америка ҳарбийларининг жиноий хуружлари қораланган.

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар нейнги вақтларда, деб хабар беради ЮПИ агентлигининг мухбири Сайгондан, Лаос территориясини бомбардимон қилишни анча кучайтириб юборди.

Хабарда бундай дейилади: АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги яқинда Лаос территориясига ҳужум қилиш учун «В-52» бомбардимончи самолётларидан ташқари «С-130» ва «С-119» ҳарбий-транспорт самолётларини ҳам сафарбар қилди. Бомба ташланадиган жойларни аниқлайдиган электрон асбоблар ва катта калибрли тез отар пулемётлар транспорт самолётларига ўрнатилган.

Хабарда айтилишича, Қўшма Штатлар Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни тўхтатган пайтдан буён ҳар куни Лаос территориясига бомба ташловчи самолётлар сони икки баравардан зиёд кўпайди. Америка бомбардимончи самолётлари, деб ёзади мухбир, ҳозирги вақтда Лаос территориясига ҳар куни 300-400 марта парвоз қиляпти.

НЬЮ-ЙОРК. Камбоджанинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Хут Самбат Хавфсизлик кенгаши раисига мактуб юборди. Самбат бу мактубида Америка-Сайгон ҳарбийлари ўз мамлакатига қарши яна қуролли агрессия қилганлигини билдиради.

Мактубда айтилишича, Америка ва Жанубий Вьетнам бўлинмалари 1968 йил декабрь ойида ва 1969 йилнинг январь ойида Камбоджа территориясига бир неча бор бостириб кирдилар, одамларни ўғирлаб олиб кетдилар, қишлоқларни миномётлардан ўққа тутдилар. Бунинг натижасида ўлган ва яradорлар бор.

ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг вакили баёнот эълон қилди. Вакил бу баёнотида Қўшма Штатларнинг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилаётганлигини ва ўққа тутаётганлигини қоралади.

Корея Марказий Телеграф Агентлиги таркатган ана шу баёнотда бундай дейилади: Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати ва корейс халқи АҚШнинг ана шу иғвогарлик ҳаракатларидан даргазаб бўлди ва Вьетнам Демократик Республикасининг суверенитети ҳамда хавфсизлигига ҳамла қилаётган Америка империалистларининг бундай жиноий ҳаракатларига қаршн қатъий норозилик билдирди.

АММОН. Исроил ҳарбий самолётлари 30 январда Иорданиянинг осмонига икки марта бостириб кирдилар. Иордания ҳарбий вакилининг гапларига қараганда, Исроилнинг икки самолёти эрта билан Ирбид округидаги (Шимолий Иордания) районлари устида учиб юрган, Ўша куни тушдан кейин Исроилнинг тўрт қирувчи самолёти Иорданиянинг ана шу районлари устида яна пайдо бўлди. Иордания вакилининг айтишича, ҳар икки ҳолда ҳам зенит артиллериясидан ўт очилиб, Исроил самолётлари ҳайдаб юборилган.

## КОНГРЕСС ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ҚОҲИРА, 2 февраль. (ТАСС). Араб касаба союзлари халқаро конфедерациясининг тўртинчи конгресси 4 кун давом этганидан кейин ўз ишини тамомлади. Конгрессга келган Совет делегациясига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС Раиси А. Н. Шелепин бошчилик қилди.

Янгиловчи ялпи мажлисда конгрессининг олтита ишчи комиссияси тайёрлаган ҳужжатлар маъқулланди ва араб касаба союзлари халқаро конфедерациясининг уставига тузатишлар тасдиқланди.

Бирлашган Араб Республикаси касаба союзлари умумий федерациясининг вакили Фавзий Ассаид араб касаба союзлари халқаро конфедерациясининг бош котиби қилиниб қайтадан сайланди.

Қабул қилинган ҳужжатларда реакция ва империализмга қарши тинчлик ва социал тараққиёт учун биргаликда олиб бориладиган курашда араб мамлакатлари меҳнаткашларининг ҳам ва шунингдек бутун дунё меҳнаткашларининг ҳам бирлигини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

## КОММУНИСТ — ШАҲАР МЭРИ

ПАРИЖ, 2 февраль. (ТАСС). Франциянинг Марсель шаҳри яқинидаги (Буш-Дю-Рон департаменти) Мартиг шаҳрининг муниципал кенгаши Коммунистик партия вакили Поль Ломбарни шу шаҳарнинг мэри қилиб сайлади.

1959 йилдан бери Мартиг мэрининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган П. Ломбар овозга қўйишнинг биринчи даврасидаёқ мутлоқ кўпчилик овоз билан сайланди.

# ЯҚИН ШАРҚДА МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК БЎЛСИН

Исроилнинг араб мамлакатларига қарши июнь ойида бошлаган агрессиясидан бери орадан бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам, шу вақтга қадар Яқин Шарқдаги тинчлик тиклангани йўқ. Исроил Бирлашган Араб Республикаси, Сурия ва Иорданиядан кўпгина қирлик билан босиб олган ерларни ҳали ҳам оккупация қилиб турибди. Сувайш канали ишламаётир. Исроил ҳарбийлари ўз қўшинларига қарши тинимсиз қуролли иғвогарликлар чиқармоқда. Босқинчилар ўзлари босиб олган араб ерларида йиртқичлик ва зўравонлик қилмоқдалар. Улар миллий давлатлар эътироф қилган халқаро ҳуқуқ асосларини сурбетларча поймол қилиб, тўғ жой аҳолини ўз ерларидан ҳайдаб юбормоқдалар араб қишлоқларини ер билан яксон қилмоқдалар.

Ана шу жинояткорона ишларнинг ҳаммаси жаҳон жамоатчилигининг кучли газабини қўзғамоқда, бу масала Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бир неча марта муҳокама қилинди. 1967 йил 22 ноябрдаёқ БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши қабул қилган резолюцияда Исроил қўшинларини босиб олинган территориялардан чиқариб юбориш кўзда тутилган ва Яқин Шарқдаги можарони тинч бартараф қилиш асослари белгилаб берилган эди. Бу резолюция бутун дунёда кенг қўламда қўллаб-қувватланди. Кўпгина араб давлатлари резолюцияни амалга оширишга тайёр эканликларини айтишди.

Исроилнинг ҳукмрон доиралари Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясига қарши чиқдилар. Улар Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишга зид ишни ва араб ерларини қўшиб олишни ошкора равишда давом эттирдилар. Исроил мудофаа министри Моше Даян Исроил экстремистларининг беҳуда даъволарини яна такрорлади. У Америкининг «Си-би-эс» телевизион компанияси мухбири билан суҳбатда «эски чегараларга қайтишни истамайман» деб сурбетлик билан айтди. «Чинакам тинчлик эвазига ҳам шундай қилишни истамаймизми?» — деб қайтадан сўради мухбир. «Ҳатто чинакам тинчлик эвазига ҳам биз эски чегараларга қайтмаймиз», — деб жавоб берди Даян.

Қўшма Штатларнинг ва бошқа империалистик кучларнинг мададига таянаётган Исроилнинг дағдағали агрессив позициясига қарамай, араб мамлакатлари бошқа тинчликсевар давлатлар билан биргаликда Яқин Шарқ проблемаларининг одилона бартараф қилиниши учун изчиллик билан кураш олиб бормоқдалар Араб халқларинн қўллаб-қувватлаш юзасидан ўтказилган ва 28 январда Қоҳирада тамом булган халқаро конференция буни яна бир карра яққол исботлади.

Конференция 74 мамлакат ва 15 халқаро ташкилот вакиллари номидан Исроилнинг агрессив, экспансиячилик сиёсатини қоралади ва Яқин Шарқ можаросини сиёсий воситалар билан ҳал этишга чақирди. Хавфсизлик Кенгаши ноябрь резолюциясини амалга оширишнинг конкрет плани масаласини тез бартараф этишни таъминлашнинг яхши асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Бундай планни Бирлашган Араб Республикаси ишлаб чиқиб тақдим этди. Кўпгина мамлакатлар бу планга эътибор билан қарадилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Хавфсизлик Кенгаши резолюциясини амалга ошириш шартшароитларини тайёрламоқ учун ўзининг махсус вакили Ярингни Яқин Шарққа юборди. Араб давлатларида унинг миссияси қўллаб-қувватланди. Лекин шу тадбирлардан кейин ҳам Исроил раҳбарларининг Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига зид ишлар қилишдан иборат ўз сиёсатини қайта кўриб чиқишга бўйнилари ёр бермади.

Шундай шароитда Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлларини қидирмоқ учун янгидан зўр бериб, куч-ғайрат сарфлаш лозим бўлиб қолди. Айни шу сабабли Совет Иттифоқи Хавфсизлик Кенгашининг Яқин Шарқдаги можаросини тинч бартараф этиш қилиб бўлган резолюциясини планли равишда амалга ошириш зарурлигига жаҳон жамоатчилигининг эътиборини яна жалб қилди.

Совет Иттифоқи аввалига Исроил ва араб мамлакатлари ҳукуматларининг айни бир вақтда ўз ўрталаридаги уруш ҳолатини тўхтатишга тайёр эканликларини айтишга розилик билдиришларини таклиф қилади. Исроил қўшинлари олиб чиқиб кетила бошлаган кунда араб мамлакатлари билан Исроил Бирлашган Миллатлар Ташкилотига уруш ҳолати тўхтатилганлиги тўғрисидаги, ҳар бир давлатнинг суверенитети, территориал бутунлиги ва сиёсий мустақиллигини ҳамда уларнинг тинчликда, хавф-хатарсиз ва эътироф қилинган чегаралар доирасида яшаш ҳуқуқини ҳурматлаш ва тан олиш ҳақидаги тегишли ҳужжатларни текшириб кўрсалар, мақбул иш бўлур эди.

Исроил қўшинларини икки босқичда олиб чиқиб кетиш мумкин бўлур эди. Аввалига қушинлар тахминан бир ой мобайнида Синай ярим оролидаги, Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги оралиқ марраларга чекинтирилиши, ҳамда Сурия территориясидан, Алкунейтра районидан олиб кетилиши мумкин бўлур эди. Исроил қўшинлари Синайдаги муайян марраларга қайтарилган кунда Бирлашган Араб Республикаси Сувайш зонасига қўшин киритган ҳамда кема қатновини бошламоқ учун канални тозалашга киришган бўлур эди.

Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетишнинг иккинчи босқичида Синай ярим оролида, Шарм Ашшайхда ва Ғазо секторида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинлари жойлаштирилган ва шу тариқ 1967 йил майида мавжуд бўлган аҳвол тиклангани бўлур эди. Сўнгра, Хавфсизлик Кенгаши Тиран бўғози орқали ва Ақаба қўрфазида барча мамлакатларнинг кемалари учун қатнов эркинлиги принципини тасдиқлаган ва Араб—Исроил чегараларини гарантиялаш тўғрисида қарор қабул қилган бўлур эди.

Можарони тинч бартараф этишни кўзлаб, Совет Иттифоқи бошлаган ташаббусни тинчлик ишини қадрловчи ҳамма кишилар қўллаб-қувватладилар. Бу ташаббусни араб мамлакатлари яхши тушуниб кутиб олдилар. Ливанда чиқадиган «Аннидо» газетаси: «Совет Иттифоқи Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун қаттиқ турибди» ва «Араб халқлари ўзларига ҳар томонлама ёрдам бераётган Совет давлатининг дўстона позициясини юксак қадрлайдилар», деб таъкидлади.

Ҳатто Америкада чиқадиган «Нью-Йорк таймс» газетаси ҳам «Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишнинг Москва таклиф қилган плани ихтилофларни камайтиради ва бир қанча моментлар хусусида келишиб олиш имконини очади» деб эътироф қилишга мажбур бўлди.

Бироқ, ташқаридаги муайян империалистик доиралар қўллаб-қувватлаётган Исроилнинг агрессив сиёсати можарони тинч йўл билан сиёсий бартараф қилиш фойдасига силжиш йўлида ҳали ҳам гов бўлиб турибди.

Г. ШИШКИН. (ТАСС).

Исроил ҳарбийлари араб мамлакатларига қарши иғвогарликларини давом эттирмоқдалар. Суратда: Исроил агрессорларининг қароқчиларча ҳужумидан кейин Байрут аэропортининг кўриниши. П. Егоров фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Ғарбий Германияда халқаро аҳволни кескинлаштиришга қаратилган НАТОнинг катта ҳарбий намойиши бўлиб ўтмоқда. Бу ҳарбий намойиш бевосита Чехословакия чегарасигача етказилади. Ғарбий Германия аэродромларига АҚШдан реактив қирувчи бомбардимончи «Фантом»лар билан жиҳозланган тактик авиация эскадрильяси келди. Суратда: Шпангдалем ҳарбий ҳаво базасидаги «Фантом»лар.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

## ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

Кўпи кеча «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ҳузурига бир группа олимлар келишди. Кейинги пайтда газета саҳифаларида берилаётган адабий-танқидий материаллар, янги нашрдан чиқаётган китоб ва илмий асарларга тақризлар, саҳна ва экран асарларига бағишланган мақолаларнинг кўламини янада яхшилаш мақсадида адабиётшуносларни, танқидчи олимларни редакцияга таклиф қилиб, ана шу масалалар юзасидан кенгашиб олишди. Редакциянинг адабиёт ва санъат бўлими ҳузурида танқид ва библиография кенгаши тузилди. Кенгашга филология фанлари доктори Ҳомид Ёқубов раис этиб тайинланди. Филология фанлари докторлари Ғулом Каримов, Лазиз Қаюмов, Салоҳиддин Мамажонов, адабиётшунос Бердали Имомов, театршунос Фрунзе Жўраев ҳамда киношунос Маҳмуд Яҳёевлар кенгаш аъзоларидир. Олимлар кенгашнинг биринчи мажлисида адабиётимиз олдида турган актуал масалалар, жумладан адабий-танқидий мақолалар, маданий мерос масаласи, «адабиёт назариясн, социалистик реализм ва ижобий қаҳрамон, баднийлик танқид ва библиографияга оид масалалар юзасидан қимматли фикр, мулоҳазалар ўртага ташланди. Ана шу масалалар бўйича конкрет вазифалар келишиб олинди.

## ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ҳавонинг ўзгариб туриши, ёғингарчиликнинг бўлмаслиги кутилади. Эрталаб туман тушиб, 3 даража совуқ билан 2 даража иссиқ ўртасида, жанубда 1-6 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб туман тушади. Кечаси 12-14 даража совуқ, кундузи 1-3 даража иссиқ бўлади.

В. ШКАЛЯБИН, ТАСС мухбири. Цейлон.

# ДЎСТЛИК РАМЗИ

*Бугун — Цейлон мустақиллиги куни*

Цейлонининг пойтахти Коломбодан 10 километрча масофада жойлашган Келания поселкаси илгари Будда ибодатхоналари маконы эди. Эндиликда бу поселка Цейлон индустриясининг тўнгич корхонаси — шина заводи билан машҳурдир. Завод 1962 йилда қурила бошланди.

Совет мутахассислари, совет техникаси цейлонлик бинокорларга ердамга келдилар. Қурилиш майдончасида Совет Иттифоқидан юборилган бульдозерлар, экскаваторлар, кўтаргич кранлар тинмай ишлай бошлади. Темир-бетон колоннаси қад кўтарди. Қурилишнинг энг масъулиятли участкаларида совет мутахассислари цейлонликларга механизмларни бошқаришни бинокорлик конструкцияларини монтаж қилишни ўргатадилар. Бир неча ой ўтар-ўтмас, асбоб-ускуналар ҳам етиб келди. Совет монтажчилари ва қиладгачилари ҳамиша цейлонликлар ўртасида бўлдилар.

Цейлонда 150 мингдан кўпроқ енгил ва юк автомобиллари бўлиб, ҳар йили у ерга 250 мингтага яқин шина келтирилади. АҚШ ва Ғарбий Европанинг энг йирик монополиялари учун Цейлон муҳим бозор эди. Шина заводи эса Цейлон оғир саноатининг тўнгич корхонасигина бўлиб қолмай, балки маҳаллий хом ашё — табиий каучукни қайта ишлаб тайёр маҳсулот чиқарувчи биринчи йирик корхонадир.

Бунинг устига ҳар йили 360 минг дона автомобиль покришкаси ишлаб чиқарувчи бу завод Цейлонга маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилиш ва хом ашёгина эмас, балки оғир саноатнинг тайёр буюмларини жаҳон бозорига чиқариб туриш имкониятини ҳам беради. Бу ҳол албатта Ғарбдаги кўпгина монополияларга ёқмади. Цейлоннинг узоқда ҳам Ғарбдаги монополиялар билан боғланган кишилар оз эмас эди. Ўз халқининг куч-қудратига ишонмайдиган кишилар ҳам топилиб қолди.

1966 йилда заводни ишга солишга тайёргарлик бошланди. Мактабсолаштирилган совет ташкилотлари Цейлонга зарур техника қужжатларини, малакали мутахассисларни юбордилар. Москва ва Ярославлдаги шина заводларида Цейлон инженерлари, техниклари, мастерлари ўқитилди.

1967 йил 12 мартда биринчи марта иккита енгил автомашина учун покришка чиқарилди. Шундан 11 кун ўтиб, заводни расмий равишда ишга тушириш маросими бўлди.

Биринчи кунларда Цейлонда кўп кишилар бу завод чуқур илдиз отган етакчи Ғарб фирмалари ишлаб чиқарган шиналар сингари шина ишлаб чиқара оларминан, деб шубҳаландилар. Қолбуки Келания поселкасида ишлаб чиқарилган покришкалар билан 40 минг километрдан ортиқ жуда оғир йўл босиб ўтилди. Ғарбдаги машҳур «Данлоп» компаниясининг шиналари эса шу йўлнинг 38,5 минг километригагина бардош берди.

Ҳозирги вақтда завод Цейлонда йилиқа кўп тарқалган шиналарнинг тўрт турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Яқин икки-уч йил мобайнида шу ролда қатнаётган автомобиллар ва тракторларнинг барча асосий турдаги шиналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ харидорлар ўз ватанларида ишлаб чиқарилган шиналарни сотиб олишни афзал кўрмоқдалар. Бунинг сабаби фақат улардаги ватанпарварлик ҳиссиётларигина эмас. Цейлонда ишлаб чиқарилаётган шиналарнинг сифати яхши, нархи эса арзон.

Цейлон шина корпорацияси-нинг маҳсулоти жаҳон бозорига чиқди. Бундан катта бир қисми Понистонга юборилмоқда. Руминияга, Бирма ва ҳатто Англияга ҳам Келаниядан шиналар юборишга тўғрисида битим тузилди. Умидсизланганлар ва шубҳага тушганларнинг дами ҳам ичига тушиб кетди.

Шина заводи территориясида қурилган йўллардан биринчиларнинг ҳар икки томонида ҳозирча унча баланд бўлмаган, барглари кўм-кўк кўчатлар қатор турибди. Бу кўчатларни заводни ишга туширган совет мутахассислари Ватанига жўнаб кетмасдан олдин ўтқазган эдилар. Йиллар ўтади, мана шу кўчатлар бўй беради, басавлат дарахт бўлади, қар-хил рангларда товланади. Шу дарахтлар орқасида эса совет халқи билан Ланки халқи ўртасидаги буюк дўстликнинг рамзи — шина заводи бир маромда ўз ишини давом эттираверади.

А. ГОРБАЧ, Шу заводдаги совет мутахассислари группасининг бош инженери.

ТАСС мухбири. Цейлон.

## Н. ЗОКИРОВ

Шу йил 3 февралда меҳнаткашлар депутатлари Каттақўрғон шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Низомиддин Зокиров тўсатдан вафот этди.

Н. Зокиров 1931 йилда Каттақўрғон шаҳрида туғилган эди. Ўзининг қисқа меҳнат фаолиятини 1953 йилда А. Навоий номидаги Самарқанд давлат университетини тугатганидан сўнг бошлаган эди. Ўз умрининг ўн икки йилини Н. Зокиров шарафли ишга — ёш авлодни тарбиялашга бағишлади. У ўқитувчи, мактаб директори, Қашқадарё область Китоб район халқ маорифи бўлимининг мудири ва кейинчалик Каттақўрғон шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири бўлиб ишлади. У 1956 йилда КПСС сафига қабул қилинди. Н. Зокиров 1965 йилдан буён меҳнаткашлар депутатлари Каттақўрғон шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси вазифасида ишлай бошлади.

Н. Зокиров 1960 йилда «Шаҳматли меҳнати учун» медали билан мукофотланган эди. Меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд область Советининг депутатлигига, Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг аъзолигига сайланди.

Н. Зокиров ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, одамларга меҳрибонлиги билан зўр ҳурмат қозонган эди. У ўзининг билими, меҳнатини халққа бағишлади.

Н. Зокировнинг порлоқ хотираси қалбимизда узоқ вақт сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

## РАДИО БУГУН

8.25 — Қўшиқлар, 9.30 — Ф. Назаров. Симфоник оркестр учун сюита, 10.10 — Эстрада куйлари (русча), 10.30 — «Фарҳод ва Ширин» драмасидан парчалар, 11.15 — «Институт ва лабораториялар да», 11.30 — Ю. Николаев дебочаси, 12.45 — «Замондошларимиз» (адабий эшиттириш, русча), 13.30 — «Дўстлик хороводи» (концерт), 15.15 — «Қуёшга ошиқман» поэмаси асосида радиокомпозиция, 16.10 — «Ўзбекистон композиторларининг опера куйлари» (суҳбатли концерт), 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 18.00 — «Колхозларда йил якуни» (русча), 18.10 — Най тароналари, 18.40 — Спорт, 19.20 — Республика композиторларининг хор асарлари, 20.00 — «Ешлик» программаси, 20.30 — Концерт (ёшлар учун), 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Музикали — адабий программа (қишлоқ меҳнаткашлари учун), 22.20 — «Баҳор» ансамбли созандаларининг концерти, 22.40 — «Курашаётган Вьетнам адабиёти». «Шеърият ўқи билан», 23.15 — Кечки концерт.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

12.55 — дан Москва кўрсатади.

**ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ**

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Телеянгиликлар, 18.15 — Осмондан юқори (болалар учун телефильм), 18.40 — Истеъдод (телефильм) 19.00 — Бадиий фильм, 20.15 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.20 — 10 минут музика, 20.30 — Телеянгиликлар, 20.45 — Раис ўрганамиз, 21.15 — «Ешлик» студияси кўрсатади. «Она шаҳрим — Тошкентим», 21.45 — Бахтиёр ёшлик куйчиси. Ҳасан Пўлат, 22.10 — Бадиий фильм.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**

19.55 дан — Москва кўрсатади.

**УЧИНЧИ ПРОГРАММА**

Ўзбек тилида: 20.00 — Цирк чироқлари ёнганда, 20.40 — Дўстлик саҳифалари. Цейлон.

Рус тилида 21.00 — Фильм-концерт, 22.30 — «Солярис» (Телеспектаклнинг биринчи серияси).

## КИНО

Ака-ука Карамазовлар (1-2 сериялар) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6 да), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Тоғдаги достон (1—2 сериялар) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», (кундуз соат 3 да) НАВОИЙ номли (кундуз соат 2 ва кеч 6 дан 40 минутда).

Осмон учинчи қаватдан бошланади — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз соат 1 да ва кеч соат 9 да).

Омад сўмқонлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Фариштa куни — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Тошкент «Юлдуз» тикувчилик фирма коллективи, партия ва касаба союз ташкилотлари фирма директори Х. М. Абдуллаевага онаси

Ҳожар ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кучаси № 28. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 833486. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216. Халқаро ҳаёт — 837604. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиши — 833356. Қишлоқ хўжалиги — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347. Оғзаки ишлар ва хатлар — 838679, 833553. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142. Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—82, Нўкис 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Ургенч 34—55.

№ В. — 29. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 01001.